

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORI



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Islom Karimov 77 A

"26" Ushb 2019 y.(r)

г. Навои пр. Ислама Каримова 77 А

№ 15-121

Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифларни белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 6, 25-моддалари, "Чиқиндилар тўғрисидаги"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 72-модда) 11-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2916-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 18-сон, 318-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги "Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгиланган тартибни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 239-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 364-модда), 2019 йил 6 февралдаги "Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 95-сон қарорларига асосан вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудидаги қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматларини такомиллаштириш, ҳудудларда санитария ҳолатни янада яхшилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 2019 йил 16 апрелдаги 01-04/1-542-сонли, "Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонасининг 2019 йил 22 апрелдаги 86-сонли, вилоят молия бош бошқармасининг 2019 йил 18 июндаги 01-07-02-884-сонли хатларини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоятнинг шаҳар ва туманлар ҳудудларидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати тарифлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.